

Молик ибн Нувайра



09:25 / 19.02.2024 2758

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Тамим қабиласига олти нафар амир тайинлаган эдилар. Улар – Зибриқон ибн Бадр, Қайс ибн Осим, Сафвон ибн Сафвон, Сабра ибн Амр, Вакийъ ибн Молик ва Молик ибн Нувайра эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин Зибриқон ибн Бадр ва Сафвон ибн Сафвон Абу Бакрга закот беришди. Қайс ибн Осим ва Молик ибн Нувайра эса закот беришдан бош тортишди. Сўнг уларнинг ичида Ислонда боқий қолганлар билан муртад бўлиб закотни ман қилганлар ўзаро жанжал бошлашди.

Улар ўзаро келишолмай туришганида, уларнинг ерига Бану тағлиблик

Сажоҳ исмли аёл келди. У насроний бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин пайғамбарликни даъво қилган, унга кўпгина араб безорилари эргашишган эди. Ана шу аёл Абу Бакрга қарши урушга отланди. Уларнинг ери Нажд тарафда бўлиб, Бану Тамимга етганларида, Сажоҳ Молик ибн Нувайрага одам юбориб ярашишни сўради. Молик ибн Нувайра ярашди ва уни Бану тамимлик мусулмонларга қарши урушга чақирди. Бану тамимликлар эса аёлдан қўрқиб қочиб кетишди.

Сўнг Сажоҳ Мадинага қараб юришда давом этди. У Нибожга етганида Бану тамимлик бир гуруҳ кимсалар йўлини тўсиб чиқиб, у билан уруш қилишди ва кўпгина одамларини асир олишди. Сўнг Сажоҳ билан музокара олиб бориб, ундан асирларни алмаштириш ва шу ердан қайтиб кетишни талаб қилишди. Аёл Мадинага боришдан умид узиб, Ямома томон юрди.

Бану тамимликлардан Молик ибн Нувайрадан бошқаси қилган ишларига надомат чекиб, Исломга қайтишди. Унинг ўзи иккиланиб туриб қолди. Бутоҳ деган жойда қавми унинг атрофида тўпланди.

Холид ибн Валид Тулайҳанинг ишини битирганидан сўнг у томон юрди. Молик унинг келаётганини эшитиб, одамларига тарқалиб кетиш учун буйруқ берди. Холид ибн Валид уларнинг ортидан одам юбориб, баъзиларини ушлаб келишга буюрди. Уларнинг орасида Молик ибн Нувайра ҳам бор эди. Холид ибн Валид уларни қатл этишга амр қилди.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди